

# СМТИда халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди

СМТИда Германия халқаро муносабатлар ва хавфсизлик институтининг Шарқий Европа ва Евроосиё бўйича етакчи эксперти Себастиан Шик ва Рим геосиёсий тадқиқотлар институтининг Евроосиё дастури иштирокчиси Фабрисси Виелмини иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Тадбир давомида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик масалалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Франция ва Германияга расмий ташрифлари натижалари таҳлил қилинди.

Давра суҳбатида таъкидланишича, Ўзбекистон раҳбарининг Европа давлат раҳбарлари билан ўтказган олий даражадаги музокаралари натижалари Ўзбекистон-Европа муносабатларини кенг кўламли ривожлантириш учун юқори салоҳият мавжуд эканлигидан гувоҳлик бермоқда. Яқин даврда кутилаётган Германия Федератив Республикаси Президенти Ф.В.Стеинмеиернинг Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама муносабатларга янада ижобий таъсир кўрсатиш имкониятига эга.



Шу муносабат билан Европадаги ҳамкорлар билан алоқаларни инновацион-юқори технологиялар соҳасида кенгайтириш ва ушбу технологияларни жалб қилиш орқали Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатнинг хусусий сектор билан ҳамкорлигини кўзда тутадиган янги бизнес-моделларни амалга ошириш ва ўқув марказлари ва бизнес ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган замонавий таълим кластерларини ташкил этиш бўйича ўзаро тажриба алмашишнинг мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари халқ дипломатиясини мустаҳкамлаш мақсадида туризмни ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

Давра суҳбати якунида томонлар минтақавий ривожланишнинг долзарб масалалари ва икки томонлама муносабатларнинг қўлланилмаган салоҳиятини ўрганиш мақсадида қўшма тадқиқотлар, тадбирлар ва мавзули мунозаралар ўтказиш орқали Ўзбекистон, Германия ва Италиянинг аналитик марказлари ўртасидаги ҳамкорликни келгусида янада ривожлантириш бўйича келишувга келдилар.